

## САҲОБАЛАР ҲИКМАТЛАРИ

*Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ҳикматли сўзлари:*

“Агар яхшилик қилсам, менга ёрдам беринглар. Агар ёмонлик қилсам, мени тўғриланглар. Агар тўғри ҳаракат қилсам, менга эргашинг. Агар тўғри йўлдан чиқсам, мени тўғри йўлга солиб қўйинглар”.

“Содиклик омонатдир. Қозиблик хиёнатдир”.

“Қайси бир қавм Аллоҳ таолонинг йўлида урушни тарк қилса, албатта, Аллоҳ уларни хорлик ила урур. Қайси бир қавм ичида фоҳишалик тарқалса, албатта, Аллоҳ таоло уларни оммавий балога йўлиқтирур”.

“Ким бир гуноҳдан тавба қилса-ю, сўнгра ўша гуноҳни тарк этмаса, Аллоҳ таоло уни тавба қилишдан, қалбини илоҳий даргоҳга юзланишдан маҳрум этиб қўяди”.

“Қабрга тайёргарликсиз кирган киши кемасиз денгизга тушган одамга ўхшайди”.

“Яшаётган кишиларга эмас, ўлгандан сўнг улар ортда қолдираётган гўзал нарсаларга ҳавас қилинг”.

“Дунё ила охират икки оиласи бор кишига ўхшайди. Киши бирини рози қиларкан, иккинчисини ранжитади”.

“Дунё – мўминларнинг бозори, кеча ва кундуз – сармоялари, гўзал амаллар – тижорат моллари, жаннат – фойдалари, жаҳаннам эса зарарларидир”.

“Аллоҳ таоло йўлида сарфланмайдиган молда яхшилик йўқ. Аллоҳ таолодан ўзганинг юзи учун айтилган сўзда яхшилик йўқ”.

“Мусулмонлардан ҳеч бир кишини кичик билиб таҳқирламанглар. Чунки, мусулмонларнинг кичиги Аллоҳ таоло ҳузурида каттадир”.

“Қариндошлар ўртасидаги адоват ўрмон ёнғинига ўхшайди”.

“Агар тил фасод бўлса, унинг зарарига нафслар йиғлайди. Агар қалб фасод бўлса, унга малоикалар йиғлайди”.

“Бойликни орзу билан, ёшликни пардоз билан, соғликни дори-дармон билан топиб бўлмади”.

“Қурол кўрқоқларнинг кўлига, раҳбарлик заифларнинг кўлига, мол зикналарнинг кўлига тушса, ишлар бузилади”.

“Бир жойда ахлоқсизлик ёйилса, Аллоҳ яхши-ёмонни айирмай барчага бирдай бало юборади”.

“Яхшилик қилиш билан шайтондан пешқадам бўлинглар, шунда у ожиз қолади. Шайтонга кўз тикманглар, акс ҳолда у изингиздан етиб олиб, сизларни фитнага солади”.

“Намоз – саждаи саҳв билан, Рўза – садақаи фитр билан, Ҳаж – фидя тўлашлик билан, Иймон – жиҳод қилишлик билан мукамал бўлади”.

“Дунёни яхши кўришлик – қоронғулик ва унинг чироғи – тақво. Гуноҳ – қоронғулик ва унинг чироғи – тавба. Қабр – қоронғулик ва унинг чироғи – калимаи шаҳодат. Охират – қоронғулик ва унинг чироғи – солиҳ амал. Сирот – қоронғулик ва унинг чироғи – иймон”.

“Шайтон олдингизда туриб, иймонни тарк қилишликка чақиради ва агар унга итоат қилсангиз – сиздан дин кетади. Нафс ўнг томонингизда туриб, гуноҳ қилишликка чақиради ва агар унга бўйсунсангиз – сиздан руҳоният кетади. Ҳавои-нафс чап томонингизда туриб, шахватга чақиради ва агар унга итоат этсангиз – сиздан ақл кетади. Дунё ортингизда туриб, уни олишликка чақиради ва агар унга бўйсунсангиз – сиздан охиратингиз кетади. Аъзоларингиз атрофингизда туриб, гуноҳларга чақиради ва агар уларга итоат қилсангиз – сиздан жаннат кетади. Аллоҳ таоло қудрати билан устингизда туриб, жаннат ва мағфиратга чақиради ва агар унга итоат қилсангиз – сиздан ёмон амаллар кетади, барча яхшиликларга эришасиз”.

“Поклик – камбағалликнинг, шукр қилишлик – неъматнинг, сабр қилиш – балонинг, ҳалимлик – илмнинг, тавозъелик – толибнинг, кўп йиғлаш – Алоҳдан кўрқишнинг, миннат қилмаслик – эҳсоннинг, хушуъ – намознинг зийнатидир”.

“Аёллар уч хил бўлади: бири машаққатсиз, покиза, муслима аёл, у хаёт (тирикчилик)да ўз аҳлига ёрдам беради, аҳлига зарар келтирувчи иш қилмайди, яна бири бола учун идиш (яъни, фақат тугади, холос. Унда бошқа хислат йўқ). Учунчиси бир кишанки, уни Аллоҳ таоло бандалари ичида хоҳлаганлари бўйнига ташлайди”.

“Билгинки, сенинг устингда Аллоҳ таолодан бўлган “кўз”лар бор (яъни, кузатиб турувчи фаришталар бор). Улар сени ҳимоя қилади ва кўриб кузатиб туради. Душманга йўлиқсанг, ўлимга ташна бўлгинки, сенга саломатлик берилади. Шаҳидларнинг қонини ювма, чунки шаҳиднинг қони қиёматда унинг учун нур бўлади”.

“Кароматнинг холиқи Аллоҳ таоло бир кишига каромат қиламан деса, сенинг гумонинг қандай!? Ваҳоланки, Аллоҳ таоло бунга қодир. Хорликнинг холиқи бир кишини хорлайман деса, у тўғрисида гумонинг қандай!? Ваҳоланки у бунга қодирдир”.

“Ўлимга ташна бўлгин, сенга хаёт эҳсон қилинади”.

“Эй қушча, қандай ҳам бахтлисан, мевалардан ейсан, дарахтларда сояланасан, (охиратда)ҳеч ҳисобсиз (дунёда) учиб юрасан. Э воҳ! Қанийди Абу Бакр ҳам сендек бўлса”.

“Тўрт нарса борки, унинг зоҳири фазилат ботини фаризат (яъни, зарур). Солиҳлар билан бирга бўлиш фазилат, уларга эргashiш фаризат, Қуръон тиловат қилиш фазилат, унга амал қилиш фаризат, қабрларни зиёрат қилиш фазилат, ўлимга тайёргарлик кўриш фаризат, касални зиёрат қилиш фазилат, ундан вазият олиш фаризат”.

“Ўлимга ташна бўл, сенга хаёт берилур”.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳунинг ҳикматли сўзлари:

“Кундузлари рўзадор, кечалари қойим (бедор) бўлган мингта обиднинг ўлими ҳалол-ҳаромни ажрата олувчи бир олимнинг ўлимидан енгилроқдир”.

“Намозни зое қилган одамга Исломда улуш йўқ. Сизнинг устингизда намоз бор. Намоз Исломнинг аввалидир ва динингиздан йўқотадиган сўнги нарсангиз ҳам намоздир”.

“Туноҳ қилишдан тийилиш гуноҳга тавба қилишдан осонроқдир”.

“Эътиқодингизга кўра яшамаётган бўлсангиз, яшаётганингиз каби эътиқод қила бошлайсиз”.

“Иймоннинг учдан бири хаё, учдан бири ақл, учдан бири жўмардликдир”.

“Кимки Аллоҳдан кўркса (тақво қилса), Аллоҳ уни сақлайди. Ким Аллоҳдан умид қилса, Аллоҳ уни ноумид қилмайди. Ким Аллоҳнинг йўлида эҳсон қилса, Аллоҳ унинг ўрнини тўлдиради. Шунинг учун тақвони қалбинг таянчи, дийданг жилоси қил! Зеро, ниятсизнинг амали, эзгусизнинг ажри бўлмас”

“Аллоҳга тақво қилиш душманга қарши энг афзал қурол ва урушда энг яхши хийладир”.

“Туноҳ олдида нажот арқонини маҳкам ушла”.

“Ишингда Аллоҳдан кўрққанлар билан маслаҳатлаш”.

“Бизлар ўнта ҳалолнинг тўққизтасини шубҳа, ҳаромга тушиб қоламиз, деган кўрқинчда тарк қилдик”.

“Менинг айбларимни кўрсатган кимсани Аллоҳ марҳаматига олсин”.

“Энг жоҳил инсон охиратини бировнинг дунёси учун сотган кишидир”.

“Агар охират бўлмаса эди, дунёни бу тарзда кўрмас эдингиз”.

“Сенинг нажотингга хайрихоҳ бўлмаган кишидан ҳожатингни сўрама”

“Қуръонга ғилоф, илмга манба бўлинг”.

“Ким ўз сирини беркитса, яхшилик унинг кўлидадир”.

“Ким ўзини тухмат қилинадиган ўринда кўрсатса, унга нисбатан ёмон гумон қиладиганларни маломат этмасин”.

“Агар яхшилик ўн қисмдан иборат бўлса, тўққизтаси сукут қилишдадир”.

“Агар яхшиликка буришнинг биронта йўли бўлса, мўмин биродарингдан чиққан сўз ҳақида фақат яхши гумон қил”.

“Фожирлар билан ҳамсухбат бўлма, уларнинг фужурларидан ўрганасан”.

“Ўзингга доимо рост сўзларни ихтиёр қил, агар-да сени ростлик ўлдирса ҳам”.

“Ёлғон қасам ичишни енгил санама, унинг сабабидан Аллоҳ сени ҳалок қилур”.

“Агар уч ёмонликдан сақлансанг, йигитликнинг ёмонлигидан сақланасан, булар – тилингнинг, фаржингнинг ва қорнингнинг ёмонлигидандир”.

“Итоат вақтида ўзингни хор тут”.

“Тавбанинг тўғри бўлиши гуноҳингни билиш билан, амалингнинг тўғри бўлиши мағрурликдан воз кечишинг билан, шукрингнинг тўғри бўлиши камчилигингни билишинг биландир”.

“Сукут – инсоннинг энг ҳарир либосидир”.

“Учта иш сен ҳақингда дўстингда яхши фикр ҳосил қилади: уни салом билан қарши олишинг, мажлисда жой беришинг, уни у яхши кўрадиган исмлар билан чақиришинг”.

“Ўзингга содиқ дўстлар танла, улар паноҳида яшайсан. Чунки улар кенгчиликда зийнат, қийинчиликда қалқондирлар”.

“Дўстлар билан кўришиб, гаплашиб туринглар, ғам-қайғудан қутулишларингизга восита бўлади”.

“Бировнинг ислоҳ бўлишини истасанг, аввал ўзингни ислоҳ қил”.

“Хотинларга ҳар ишда итоат этманг. Уларга қаршилиқ қилиб турмасангиз, уйдан барака кетади”.

“Дунёнинг азизлиги мол билан. Охиратнинг азизлиги солиҳ амаллар билан”.

“Инсонларга чиройли дўст бўлиш – ақлнинг ярми. Билмаганини чиройли сўраш – илмнинг ярми. Чиройли тадбир қилиш – ҳаётдаги бахтнинг ярми”.

“Менга дунёда уч нарса яхши кўрилди – яхши амалларга буюришлик, ёмон ишлардан қайтаришлик ва эски кийим кийишлик”.

“Денгизлар сони тўрттадир. Кибру ҳаво - гуноҳлар денгизидир. Нафс – шаҳватлар денгизидир. Ўлим – умрларнинг денгизидир. Қабр – надоматлар денгизидир”.

“Муттақийликнинг аломати бештадир. Диндорлар билан бирга бўлиш. Фаржи ва тилига ғолиб бўлиш. Дунёдан катта бир нарса етганда уни зарар деб билиш ва диндан кичик бир нарса етганда уни ғанимат деб билиш. Ҳаром аралашишдан қўрққан ҳолда қоринни ҳалолдан бўлса ҳам тўйғазиб юбормаслик. Барча одамларни нажот топган деб ва ўзини ҳалок бўлдим, деб билиш”.

“Кўп дўстларни учратдим, лекин тилни тийишдан афзалроқ дўстни учратмадим. Кўп либосларни кўрдим, аммо такводан афзалроқ молни кўрмадим. Кўп молни кўрдим, бироқ қаноатдан афзалроқ молни кўрмадим. Кўп яхшиликларни кўрдим, лекин насихатдан афзалроқ яхшилиқни кўрмадим. Кўп таомларни кўрдим, аммо сабрдан афзалроқ таомни кўрмадим”.

“Аллоҳ таоло олти нарсани олти нарса ичига беркитди. Розилигини – ибодатга. Ғазабини – осийликка. Исмү аъзамини – Қуръони Каримга. Лайлат ул-Қадр кечасини – Рамазон ойига. Ўрта намозни – беш вақт намоз ичига. Қиёматни – кунлар ичига”.

“Кимнинг кулгуси кўпайса – ҳайбати озаяди. Ким инсонларни камситса – ўзи ҳам камситилади. Ким бирор нарсага кўп машғул бўлса – шу касби билан танилади. Кимнинг кибру-ҳавоси кўпайса – ҳаёси камаяди. Кимнинг ҳаёси озайса – парҳези камаяди. Кимнинг парҳези озайса – қалби ўлади. Кимнинг сўзи кўпайса – хатоси кўпаяди”.

“Ким ортиқча сўзларни тарк этса, унга ҳикмат берилади. Ким ортиқча қарашни тарк этса, унга қалб хушўси берилади. Ким ортиқча таомни тарк этса, унга ибодат лаззати берилади. Кимки ортиқча қулишни тарк этса, унга ҳайбат берилади. Ким мазахни тарк этса, унга баҳо берилади. Ким дунё муҳаббатини тарк этса, унга охират муҳаббати берилади. Ким бошқалар айби билан машғул бўлишни тарк этса, унга ўз айбини ислоҳ қилишлик берилади. Ким Аллоҳнинг кайфиятини изланишлиқни тарк этса, унга мунофиқликдан сақланишлик берилади”.

“Жим турганимга бир марта надомат қилган бўлсам, гапирганимга кўп бора надомат қилдим”.

“Сайид (*олийжаноб, улуг инсон*) – у сўралганда сахий, жоҳиллик қилинганда мулойим ва муомала қиладиганларига яхшилик қилувчидир”.

“Учта нарса фалокатдир. Ҳасадчи қўшни, у яхшиликни кўрса, яширади, ёмонликни кўрса, таркатади. Ёмон хотин, уни олдига кирсанг, тили билан озор беради, агар уни олдида бўлмасанг, ундан хотиржам бўла олмайсан. Ёмон подшо, яхши иш қилсанг, сени мақтамайди, ёмон иш қилсанг, сени қатл қилади”.

“Кишининг ғами фақат дунё бўлиб қолса, унинг қалбига тўртта нарса ёпишиб олади. Бойлигига етиб бўлмайдиган фақирлик, чегараси йўқ ғам, боши кўринмайдиган машғуллик, охирига етиб бўлмайдиган орзу”.

“Вой бўлсин кимники орзуси дунё, амали хатолар бўлса, қорни қатта ва зеҳни кам бўлса, дунёсининг ишини билса-ю, охиратининг ишидан жоҳил бўлса”.

“Душманингдан четлан. Омонатли бўлмаган дўстдан эҳтиёт бўлгин. Аллоҳ таолодан кўрққан кишигина амин (*омонатли*)дир.

“Эй, ўғлим! Аллоҳ таолодан кўрққин, чунки ким ундан кўрқса, Аллоҳ таоло уни сақлайди, ким унга таваккал қилса, Аллоҳ таоло унга кифоя қилади, ким унга шукр қилса, Аллоҳ таоло унга зиёда қилади. Шундай экан тақво кўзининг нури ва қалбининг жилоси бўлсин. Билгинки, нияти йўқ кишининг амали, Аллоҳ таолодан кўркуви йўқнинг ажри, мулойимлиги (*рифқи*) йўқнинг моли ва эскиси йўқнинг янгиси ҳам йўқдир”.

“Аллоҳ таолодан кўрққин, нияти йўқнинг амали йўқ, рифқи (*мулойимлик, муомала*) йўқнинг моли йўқ, дини йўқнинг хурмати йўқ”.

“Ёмон аёллардан Аллоҳ таолонинг ўзи паноҳ беришини сўранглар, яхшиларидан эса доим эҳтиёт бўлиб юринглар”.

“Қоринни тўлдириб юборишдан сақланинглар, чунки у намоздан данкаса қилади, жисми бузади ва касалликка етаклайди. Озиқланишда ўртачаликни лозим тутинглар. Чунки у исрофдан узоқроқ, баданга сиҳхатлироқ, ибодатга қувват берувчирокдир. Банда шахватини динидан устун қўймагунча ҳалок бўлмайди”.

“Эркақлар уч турли бўлади; бири, бошига иш тушганда, уни ақли билан тўсади, яна бири, ишқал нарсаларда маслаҳат қилади ва ақлли кишилар буюрган ишни қилади, учинчиси, хайрон, ҳалок бўлувчидирки, тўғрилиқка маслаҳат қилмайди, тўғри йўл кўрсатганга итоат қилмайди”.

“Аллоҳ таолонинг амрини фақат заиф бўлмаганлар, пора олмаганлар ва тамаъга эргашмаганларгина қоим қила оладилар”.

“Албатта, раҳбарларнинг энг бахтлиси, халқи у билан бахтли бўлган раҳбардир. Аллоҳ таолонинг наздида энг бадбахт раҳбар, халқи у сабабли бадбахт бўлган раҳбардир. Роҳат-фароғатга берилишдан сақлангинки, қўл остингдаги раҳбарлар ҳам кайфу сафога бериладилар. Шунда сенинг мисолинг Аллоҳ таолонинг наздида бир хайвонга ўхшайди. У ернинг ўт ўланларини кўриб, семириш учун мазза қилиб ўтлайди, ваҳолангки унинг ўлими семизлигидадир”.

“Албатта, инсонлар ўз султонларидан нафратланадилар, бу нарса менга ва сенга етиб қолишидан Аллоҳ таоло ўз паноҳида асрасин. Кундузнинг бир соати қолган бўлса ҳам, ҳадларни қоим қил (*яъни, эртага қолдирма*). Агар икки иш ҳозир бўлса, бири Аллоҳ таоло учун бири дунё учун, сен Аллоҳ таолодан бўлган насибангни устун қўй. Чунки дунё тугайди, охират боқий қолади. Мусулмонларнинг касалларини зиёрат қил, жанозаларига ҳозир бўл. Эшигингни очгин-да, уларнинг иши билан ўзинг шуғуллангин. Чунки сен ҳам уларнинг бирсан, лекин Аллоҳ таоло сени уларнинг ичида юки оғирроғи қилиб қўйди. Менга хабар келдики, сен ва аҳлингда бошқа мусулмонларда бўлмаган кийим, таом ва уловлар пайдо бўлибди. Сен, ҳосилдор водийдан ўтаётган, ғами семиришдан бошқа нарса бўлмаган хайвон ўрнида бўлишдан эҳтиёт бўлгин. Унинг ўлими фақат семизлигидадир. Билки, раҳбар тойса, унинг халқи ҳам тояди. Инсонларнинг бахтсизлиги, халқи у сабабли бахтсиз бўлган кишидир”.

“Ким қалбининг софлигини хоҳласа, Аллоҳ таолони ўзининг шахвати (*хоҳиш истақлари*)дан устун қўйсин. Қалблар шахватларга қанчалик боғлиқ бўлса, Аллоҳ таолодан ҳам шунчалик тўсилган бўлади”.

“Ким Аллоҳга такво қилса, уни Аллоҳ таоло сақлайди, ким унга таваккал қилса, Аллоҳ таоло унга кифоя қилади, ким унга шукр қилса, унга зиёда қилади, ким Аллоҳ таолога қарз (*халис, камбағалларга рибосиз қарзи ҳасана*) берса, унга мукофотини беради. Таквони қалбининг устуни, кўзининг жилоси қилгин. Чунки нияти йўқ одамнинг амали йўқ. Қўркуви йўқ одамга ажр йўқ, эскиси йўқ одамнинг янгиси йўқ”.

“Аллоҳ таоло йўлида йўл юришим, пешонамни Аллоҳ таоло учун ерга қўйишим, худди хурмонинг яхшиларини танлаганидек сўзнинг яхшиларини танлайдиган кишилар билан бирга ўтиришимдир”.

“Эй инсонлар, илм ўрганинглар. Аллоҳ таолонинг хузурида Унинг севган бир либос бўлиб, илмнинг бир бобини ўрганган кишига ўша либосни кийгизади. Агар олим бир гуноҳ қилса, либос ундан олинмаслиги учун уч марта танбеҳ беради. Гпчи бу гуноҳи вафотигача давом этса ҳам либос ечиб олинмай, танбеҳ берилаверади”.

“Агар бир киши уйдан чиқаётганида гуноҳи Тухома тоғидек бўлса, сўнг илм эшитгач, кўрқиб гуноҳ қилишдан тўхтаसा, уйига қайтганида унда гуноҳ қолмайди”

“Кимнингдир намози ё рўзаси сизларни алдаб қўямасин. Лекин, гапирса рост гапирадими, омонатга хиёнат қилмайдими, қўлига дунё келганида парҳез қила оладими, шунисига диққат қилинглари”.

“Фожир билан дўстлашма, унга сирингни айтма, ишларингда Аллоҳдан кўрқадиган кишилар билан маслаҳатлаш”.

“Сизлардан бирингизнинг кўп бора бошини кўтариб-тушириши (*кўп сажда қилиши*) мени алдаёлмайди, дин – Аллоҳнинг динида парҳезкор бўлиш, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилиш, Аллоҳнинг ҳалол ва ҳаромига амал қилишдир”.

“Қуйидаги уч сифатдан бири топилиши кишининг гумроҳлигига кифоя қилади: бир ишни айблаб туриб, кейин ўзи ўша ишни қилиши; ўзида бор айбни кўрмасдан, айни айбни биродарида кўриши; кераксиз гаплар билан суҳбатдошига озор етказиши”.

“Уч нарса биродаринг кўнглида сенга нисбатан муҳаббатни кучайтиради: унга биринчи бўлиб салом беришинг; даврада сурилиб жой беришинг; уни ўзи суйган исми билан чақиришинг”.

“Аллоҳдан кўркинг”, дейишлик нақадар яхши! Шундай гапни айтмасанглари сизларда яхшилик йўқ. Шундай гапни қабул қилмасак бизларда яхшилик йўқ”.

“Қавмнинг улуғ саййиди сўралганда сахий, жаҳолат билан муомала қилинганда халим, бирга яшовчисига итоатли, содиқ кишидир”.

*Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг ҳикматли сўзлари:*

“Агар қалбларингиз пок бўлса, Аллоҳнинг Китобидан тўймас эдингиз. Бирор наҳор ёки тунни Аллоҳнинг Китобига назар солмасдан ўтказишни истамайман”.

“Сиз ўткинчи бир ҳаёт уйдасиз ва умрингизнинг қолган қисми ҳам ўтишини кутмоқдасиз... Унутмангки, бу дунё ёлғон ва алдов устига бино бўлган”.

“Дунёда экинлар экиб-ўрган, баланд қошоналар қурган, узоқ вақт завқу сафо сурган дунёнинг ўғиллари, дўстлари бугун қаерда? Дунё уларни ютиб юбормадими? Жалил Аллоҳ дунёга нақадар аҳамият бермаганидек, сиз ҳам унга шундай берилманг. Охират учун ҳаракат қилинг”.

“Такво – амал этиш, амал билан ҳукмларни муҳофаза қилиш, ваъдага вафо, борига ризо ва йўғига сабрдир”.

“Аллоҳга ҳақиқий қуллик – амал этиш, амал билан ҳукмларни муҳофаза қилиш, ваъдага вафо, борига ризо, йўғига сабрдир”.

“Сиздан аввал ўтган кимсаларнинг ҳолидан ибрат олинг. Сўнг саъй-ҳаракат қилинг ва ғафлатда қолманг. Зеро, сиз ғафлатга тушиб қолсангиз ҳамки, ишларингизни ҳисоб-китоб қилишда сира ғафлатга тушилмайди”.

“Дунёнинг ғами – қалбдаги зулматдир. Охиратнинг ғами – қалбдаги нурдир”.

“Дунёни тарк қилган кишини Аллоҳ таоло яхши кўради. Гуноҳларини тарк қилган кишини малоикалар яхши кўрадилар. Мусулмонлардан таъма қилишни тўхтатган кишини мусулмонлар яхши кўрадилар”.

“Менга дунёдаги уч нарса яхши кўрилди - оч кишини тўйдириш, яланғочларни кийинтириш ва Қуръони Каримни ўқиш”.

“Мен ибодатнинг ҳаловатини тўрт нарсада топдим – Аллоҳ таолонинг фарзини адо этишда, Аллоҳ харом қилган нарсалардан тийилишда, Аллоҳдан савоб умидида яхшиликка буюришда ва Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиб, ёмон ишдан қайтаришликда”.

“Албатта, мўмин олти ҳолатда қўрқинчда бўлади – Аллоҳ таолога келтирган иймонидан ажраб қолишдан, амалларини ёзувчи фаришталарнинг уни қиёмат куни шарманда қиладиган нарсаларни ёзиб қўйишидан, амалларини шайтон ботил қилишлигидан, ўлим фариштасининг ғафлат пайтида тўсатдан жонини олишлигидан, дунёга алданиб охиратидан ажраб қолишлигидан ва бола-чақалари Аллоҳнинг зикридан маҳрум қилиб қўйишлигидан”.

“Мен етти ҳил инсонларга ажабланаман. Ўлимнинг ҳақлигини билиб туриб ҳам, кулган одамга. Дунёнинг йўқ бўлиб кетишини билиб туриб ҳам, унга рағбат қўйган кишига. Ҳаммаси қадарга боғлиқлигини билиб туриб ҳам, ўтган ишларга ғам чеккан кишига. Охиратда ҳисоб-китоб бўлишини билиб туриб ҳам, мол тўплаган кишига. Дўзахни билиб туриб ҳам, гуноҳ қилган кишига. Аллоҳ таолонинг ҳақлигини билиб туриб ҳам, Ундан бошқаларни зикр қилган одамга. Жаннатни билиб туриб ҳам, дунёдан роҳатланган ҳамда шайтоннинг душманлигини билиб туриб ҳам, унга итоат қилган кишига”.

“Орифнинг аломати саккиз нарсада кўринади – қалбида доим қўрқинч бўлишлигида, дилида доим умид бўлишлигида, тили доим ҳамд ва сано билан бўлишлигида, назари доим ҳаё билан бўлишлигида, кўзи доим ёшга тўла бўлишлигида, иродаси доим тарки дунё билан бўлишлигида, хоҳиши доим Аллоҳ розилиги талаби билан бўлишлигида”.

*Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Албатта, ҳеч ким ўзига етган нарса зинҳор хато қилиши мумкин эмаслигига ва ундан ўтиб кетган нарса унга зинҳор етмаслигига ишонмагунича иймон ҳаловатини татимас”.

“Албатта, неъмат шуқр ила улангандир. Шуқр эса зиёдага боғлангандир. Уларнинг иккиси бир жойга жойлаштирилган. Бандадан шуқр узилмагунча, Аллоҳдан зиёда қилиш узилмайди”.

“Аллоҳ шуқр эшигини очиб, зиёда эшигини беркитиб қўймас. Аллоҳ дуо эшигини очиб, қабул эшигини беркитиб қўймас. Аллоҳ тавба эшигини очиб, мағфират эшигини беркитиб қўймас”.

“Менинг қўрқадиган нарсам ҳавои нафсга тобеъ бўлиш ва узун орзулар қилишдир. Ҳавои нафсга тобеъ бўлиш ҳақдан қайтаради. Узун орзулар эса охиратни эсдан чиқартиради. Огоҳ бўлинглар, бу дунё орқада қолиб кетади. Охират эса, олдингизга чиқиб кутиб олади. Сизлар охиратнинг боласи бўлинглар, дунёнинг боласи бўлиб қолманглар. Бу кунда амал бору ҳисоб йўқдир, эртага эса, ҳисоб бору амал йўқдир”.

“Илм бойликдан устундир. Чунки сен бойликни кўриқлайсан, илм эса сени кўриқлайди. Илм ҳоким, мол маҳкумдир. Мол нафақа қилиш билан камайса, илм зиёда бўлади”.

“Уламолар замон тургунича боқийдирлар. Таналари йўқолса ҳам, хотиралари қалбларда мавжуддир. Уларнинг адади оздир. Уларнинг қадри Аллоҳ ҳузурда улугдир. Улар ила Аллоҳ ўз ҳужжатларини олға сурур. Илм уларни ҳақиқатга етказур. Улар дунёда баданлари билан бўлсалар ҳам, руҳлари аъло манзарага боғлиқ бўлур. Ана ўшалар Аллоҳнинг юртларидаги халифалари ва динига чақирувчиларидир”.

“Қачон бир олим вафот этса, Исломда бир тешик пайдо бўлур ва у қиёматгача тўсилмас”.

“Фикҳи бўлмаган ибодатда яхшилик йўқдир. Фаҳми бўлмаган фикҳда ҳам яхшилик йўқдир. Тадаббури йўқ қироатда ҳам яхшилик йўқдир”.

“Ҳақиқий фақиҳ одамларни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид қилмайдиган, уларни Аллоҳ таолога осий бўладиган ишларга рухсат бермайдиган ва уларни Аллоҳнинг макридан бепарво қолдирмайдиган кишидир”.

“Илм талаб қилган кишининг талабида ҳамиша жаннат бўлади. Гуноҳ талаб этган одамнинг талабида ҳамиша дўзах бўлади”.

“Дунё неъматларидан – Ислом неъматлари сизларга кифоя. Шуғулланишликда – тоатда шуғулланиш сизларга кифоя. Ибратда – ўлим ибрати сизларга кифоя”.

“Аллоҳ таоло хузурида бандаларнинг яхшиси, афзали бўл. Нафс хузурида инсонларнинг ёмони бўл. Одамларнинг хузурида уларнинг бири (*тенгги*) бўл”.

“Жаннатга муштоқ киши яхшилик қилишга шошилади. Дўзахдан қўрққан киши шаҳватдан тийилади. Ўлимни англаган кишининг лаззат-фароғати бузилади. Дунёни таниган кишига мусибатлар енгил бўлади”.

“Дин ва дунё қоимликда бўлади – бойлар Аллоҳ берган неъматларга бахиллик қилмасалар, уламолар билган нарсаларига амал қилсалар, илмсиз кишилар билмаган нарсаларини сўрашликда мутаққабил бўлмасалар, фақир кишилар охиратларини дунёларга сотмасал”.

“Амалларнинг энг оғири тўрт хислаттадир: ғазаби келганда ютиб юборишлик, қийналган вақтда эҳсон қилишлик, холи қолганда пок бўлишлик, қўрқадиган кишига ҳақ сўзни айтишлик”.

“Буюк неъматлар олтитадир: Ислом неъматлари, Қуръон неъматлари, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари неъматлари, тинчлик неъматлари, Аллоҳнинг ҳивзу-ҳимоясида бўлишлик неъматлари ва инсонлардан беҳожат бўлишлик неъматлари”.

“Ақл каби бойлик, яхши хулқ каби дўст, одоб каби мерос, тавфиқ каби раҳбар, илм каби шараф, жаҳлдек фақирлик, машваратдек ёрдамчи йўқдир”.

“Қуфрга кетишнинг тўртта асоси бор: динда жуда чуқурлашиб кетиш, ўзаро кураш, тўғридан-тўғри бош тортиш, дарз кетиб бўлиниш”.

“Хушуъ бўлмаган намозда, кераксиз нарсалардан сақланмасдан тутилган рўзада, қироат билан ўқилмаган Қуръонда, гуноҳлардан тийилмасдан қилинган амалда, сахийлик қилинмаган молда, жиддий боғланмаган биродарликда, ихлос бўлмаган дуода яхшилик йўқдир”.

“Уч нарса хотирани зиёда этади ва сафрони кетказди: мисвок ишлатиш, рўза тутиш ва Қуръон тиловат қилиш”.

“Уч нарса тавозуънинг бошидир: учраган кишига салом бермоқ, ўтиришда паст жойдан рози бўлмоқ ва риёкорлик ҳамда хўжақўрсинни ёқтирмаслик”.

“Иймонларингизни садақа бериш билан маҳкам қилинганлар, молларингизни закот бериш билан омон сақланганлар, балоларни дуо билан даф қилинганлар”.

“Ўқишни билсангиз, ҳар бир инсон ўзи бир китобдир”.

“Ақлини ишлатган одам ақллидир. Бошқаларнинг ҳам ақлини ишлатган одам ундан-да ақллироқдир”.

“Ақлли кишининг тили юрагининг ортида бўлади, аҳмоқнинг юраги тилининг орқасида бўлади”.

“Қалб кўр бўлганидан кейин кўзнинг кўришлигидан фойда йўқдир”.

“Дунё ҳаётида соғлом одам хастадир. Завқу сафо сурган одам охири пушаймон бўлгусидир. Фақир одам хазиндир. Бой одам балога гирифтормидир. Молининг ҳалоллигининг ҳисоби, ҳаромининг азоби бор. Шубҳали фойдалардан озор топилгусидир”.

“Поклик фақирликнинг зийнати, шукроналик эса мол-дунёнинг зийнатидир”.

“Бойлик ғурбатда ҳам ватан бўлади, фақирлик ватанда ҳам ғурбат бўлади”.

“Жаннатга иштиёқи бўлган одам дунёда нафсоний орзу-ҳавасларидан тийилсин”.

“Энг эзгу эҳсон ҳожатмандга берилганидир”.

“Мискинларни таомлантиринганлар, касбингизга барака кириди. Савдо қилинганлар, аммо қасам ичманганлар. Албатта, қасам молни ўтказди, баракани кетказди”.

“Бойлик эҳсон қилинса – иззат, беркитилса – хорлик келтиради”.

“Сўралмасидан аввал берилса, бу саховт ҳисобланади. Сўралганидан сўнг берилса, ҳаё ёки мазаммат билан боғлиқ бўлиб қолади”.

“Қизғанчиқлик ожизликнинг исёнидир”.

“Хасис киши ўз шаҳрида ҳам бегона”.

“Кимки керилиб, ўздан мамнун-мағрур бўлиб юрса, у ўзига нисбатан бошқаларнинг нафратини келтиради”.

“Эй мутаккабир банда, сен жаннатга киришни ҳаёлингга ҳам келтирмагин. Чунки Иблис жаннатдан кибру ҳавоси туфайли ҳайдалган. Кибру ҳаво қилган инсонлар жаннатга киритилмайдилар”.

“Ризку рўзинг кўп бўлсин десанг, кўп садақа қил”.

“Адолат – охиратда нажот, дунёда саодатнинг бошидир”.

“Кимнинг ҳожати тушса, унга кўмак бериш сизга вожибдир”.

“Юксак хулқ қуйидаги ўн хислатдан иборатдир: саховат ва ҳаё, ростгўйлик ва омонатдорлик, камтарлик ва ҳамиятлик, шижоат ва ҳалимлик, сабр ва шукр”.

“Кечириш – энг яхши ғалабадир”.

“Инсоф – олийжаноблик белгисидир”.

“Иффат ҳеч нарсага эҳтиёж қолдирмайди”.

“Иффат – очкўзликдан, яхши овқат ва ичкиликдан, хотин-халажга берилишдан ўзини тийишдир”.

“Даҳр орзуларни янгилайди, тақдирни яқинлаштиради, ёмон истаклардан узоқлаштиради”.

“Инсонларга марҳаматли бўлинг, қадрингиз ошади”.

“Сабр икки хил бўлади: ёмон кўрилган нарсага чидамоқлик ва яхши нарсани эшитишга сабр этмоқлик”.

“Ёрдамни ўзгалардан дариг тутмаган инсон зикри кенг ёйилади”.

“Ўзгаларга озор беришдан сақланиш яхшилик аломатларидандир”.

“Ишининг мазаси бўлмаган кишининг насаби иш бермайди”.

“Яхшилик молингизни ва фарзандларингизни кўпайтиришда эмас. Балки илмингиз ва ҳилмингизни зиёда қилишда, одамларга ибодатингиз билан мағрурланмаслигингиздадир”.

“Қандайдир манфаат кўзлаб қилинган яхшилик яхши амал ҳисобланмайди”.

“Ичимизда сақланган сир бизнинг асиримиздир. Ошкор қилиниши билан биз унинг асирига айланамиз”.

“Тил мисоли тишлайдиган ҳайвондир. Агар қўйиб берсанг, ғажиб ташлайди. Шуниси борки, фақат уни тишлашдан холи қилиш керак”.

“Сукут сақланг, унинг энг оз фойдаси – омонликдир”.

“Шахсингизга душманлик қилгани авф этингиз. Лекин динингизга душманлик қилган кишини кечирмангиз”.

“Ўзига дўст тополмаган киши одамларнинг энг ожизи саналади. Бундан ҳам ожизроғи эса олдинга бирорта дўст топадию кейинчалик уни ҳам йўқотиб қўяди”.

“Чин дўст оғир кунингда билинади”.

“Яхши қариндошлик чидамлик билан юзага келади”.

“Хотиннинг жиҳоди – эрга итоат этмоқликдир”.

“Ёмон хотин мисоли гўзал кийинган чаённинг ўзидир”.

“Кимда-ким ғаразгўйлик жилови билан бир нарсага эришишга ҳаракат қилар экан, у шу истагига эришолмайди, ҳатто ажали ҳам етмай ўлиб кетади”.

“Ҳалимлик ғазаб ўтини ўчиради, кўполлик эса уни алангалатади”.

“Ўз аҳлингизни қадрланг. Зеро, улар учар қанотингиз, ўрнашган пойдеворингиз ва тутар кўлингиздир”.

“Ҳақиқат аҳли сукут қилган пайтда ботил аҳли ўзларини “Ҳақиқат устидамиз” деб ўйлашади”.

“Мен барча мазали нарсаларни тотиб кўрдим. Офиятдан кўра мазалироқ нарсани кўрмадим. Барча аччиқ нарсаларни ҳам тотиб кўрдим. Одамларга мухтож бўлишдан



кўра аччиқроқ нарсани кўрмадим. Темир ва ҳарсанг тошни кўтардим. Қарздан кўра оғирроқ нарсани кўрмадим”.

“Ким олти хислатни ўзида жамласа, ҳақиқатан ҳам, жаннат талаб қилинадиган ва дўзахдан қочиладиган бирор иш қолдирмабди: ким Аллоҳ таолони таниб, итоат қилса, шайтонни таниб, унга қарши чиқса, ҳақни таниб, унга эргашса, ботилни билиб, ундан сақланса, дунёни таниб, уни тарк қилса, охиратни билиб, уни талаб қилса”.

“Яхши кўшничилик дегани азият етказишдан тийилиш эмас, балки азиятга сабр қилишдир”.

“Инсонларнинг энг аҳмоқи - ўзини энг ақлли деб ҳисоблаган киши. -

Инсонларнинг энг ақллиси - жоҳилларни жазолашда жимликдан нарига ўтмаган киши (*яъни, жоҳилларни жимлик билан жазолаган киши*)”.

“Эй дунё, кўзимдан йўқол! Менга рўпара келдингми ёки менга қизиқдингми!? Ҳали сенинг вақтинг келмади, у жуда узоқ, жуда узоқ. Мендан бошқани алда, менинг сенга хожатим йўқ. Мени сени ҳеч ражъа (*қайтиши*) қилмасдан уч талоқ қилдим. Сенинг айшу ишратинг қисқа, обрўйинг паст, орзуйинг ҳақир. Оҳ, озуқанинг камлиги, йўлнинг узунлиги, сафарнинг узоқлиги ва борадиган жойнинг улуғлигидан Аллоҳ таолога шикоят қиламан”.

“Дунё – сендан қочади ёки сенга зарар беради ёки сендан ўтиб кетади”.

“Ўзинг ва бошқалар ўртасида бир тарозу қўйиб олгин. Ўзинг яхши кўрган нарсани инсонларга ҳам яхши кўргин. Ўзинг ёмон кўрган нарсани улар учун ҳам ёмон кўргин. Сенга зулм қилишларини хуш кўрмаганинг каби, сен ҳам бошқага зулм қилма. Ўзингни бошқанинг олдида синдирма (*хор қилма*), ҳақиқатда Аллоҳ таоло сени хур қилиб яратган”.

“Ким ростгўй бўлса, унинг учун дунё содиқлик диёри, уни тушунганларга у нажот диёри, ундан охират учун озуқа тўплаганларга у бойлик диёридир”.

“Дунёнинг мисоли илонга ўхшайди. Агар уни қотил ушласа, уни захарлайди. Дунёнинг сени ажаблантирган нарсаларидан юз ўгир. Чунки сен билан охиратда ҳамроҳ бўладиган жуда кам. Ундан ажралишингни аниқ билганинг учун унинг ғам-ташвишларини қўйгин. Дунёга улфатбўлиб турганингда ундан жуда эҳтиёт бўл. Чунки унинг дўсти хурсандчилик билан хотиржам бўлса, у кишини дунёдан ёқимсиз нарсалар узоқ қилади. Дунёдан улфатчилик билан сукунат топса, дунёдан у кишини ёлғизлик кеткизади”.

“Молинг ва боланг кўпайиши яхшилик эмас, балки илминг ва ҳилминг кўпайишидир”.

“Эй, одам боласи! Ҳали келмаган кунингнинг ғамини бугунги кунга келтирма, агар ажалингдан бўлса, у кунда ризқинг келади. Билгинки, сен озиқ овқатингдан ортиқ мол касб қила олмайсан, касб қилган ҳолингда эса, бошқалар учун сақлаётган бўласан”.

“Эй, ўғилчам! Агар ўзинг ва Аллоҳ таоло ўртасида неъмат эгаси (*яъни, сен яхшичилигига муҳтож бўладиган кимса*) қилмасликка қодир бўлсанг, шундай қилгин. Бошқа инсонга кул бўлмагинки, Аллоҳ таоло сени хур қилиб яратган. Чунки Аллоҳ таолодан бўлган озгина нарса, бошқаларнинг кўп нарсаларидан ҳурматли ва улуғдир”.

“Эй ўғилчам, менинг гапларимни ёдлаб олгин; энг катта бойлик ақлдор, энг катта фақирлик аҳмоқликдир, энг катта ёлғизлик ушб (*ўзини яхши кўриши*)дир, энг яхши насаб чиройли хулқдир. Эй, ўғилчам! Аҳмоқни дўст тутишдан эҳтиёт бўлгин, чунки у сенга фойда бермоқчи бўлса, сенга зарар беради. Бахил билан дўстлашишдан эҳтиёт бўлгин, чунки у, сен энг муҳтож бўлиб турган нарсани сендан узоқ қилади. Ёлғончи билан дўстлашишдин ҳам эҳтиёт бўлгинки, у саробга ўхшайди, узоқни сенга яқин, яқинни узоқ қилиб кўрсатади”.

“Дўстларинг ҳам, душманларинг ҳам учтадир. Дўстларингга келсак, улар; дўстинг, дўстингнинг дўсти, душмангнинг душмани. Душманларинг эса; душманинг, дўстингнинг душмани ва душмангнинг дўсти”.

“Албатта, инсонни (*аслида*) ўтиб кетмайдиган нарсага етиши хурсанд қилади ва (*аслида*) ета олмайдиган нарсасининг ўтиб кетиши хафа қилади. Дунёингдан етган

нарсанга хурсанд, ундан ўтиб кетган нарсага хафа бўлмагин, охиратни амалсиз умид қилувчилардан бўлмагин, тавбани узун орзуларинг сабабли кечиктирмагин”.

“Агар сабр қилсанг, ажр олган ҳолингда тақдир сенинг устингга жорий бўлади, додвой солсанг, гуноҳкор бўлган ҳолингда тақдир сенга жорий бўлади”.

“Илм молдан яхшидир. Сен молни кўриқлаганинг ҳолда, илм сени кўриқлайди. Илм ҳоким, мол эса маҳкумдир. Молни хазина қилганлар ҳалок бўлдилар, илмни хазина қилганлар (*хотира ва илмлари*) боқий қолдилар. Уларнинг айни ўзлари бўлмасаларда, шахслари қалбларда мавжуддир”.

“Кишининг қадри ҳиммати миқдорича, содиқлигининг қадри муруввати миқдорича, ботирлигининг қадри иззат нафси миқдорича, ғуссасининг қадри ғайрати миқдоричадир”.

“Зафар эҳтиёткорлик билан, эҳтиёткорлик фикрнинг ўткирлиги билан, фикр эса сир сақлаш билан бўлади”.

“Ўзингдан ажабланиш (*фахрланиши*), фахрланаётган нарсанга ишонч ва мақтовни севишдан сақлан. Чунки бу нарсалар шайтон учун, муҳсинларнинг эҳсонини йўқ қилишга энг ишончли фурсатлардандир”.

“Зухднинг афзали зухдни яширишдир”.

“Хоҳлаган кишингга яхшилик қил, унинг амири бўласан, хоҳлаган кишингдан беҳожат бўл унинг тенги бўласан, хоҳлаган кишингга муҳтож бўл, унинг асири бўласан”.

“Кишилар ҳақ билан танилмайдилар, балки ҳақ кишилар билан танилади”.

“Кимга нафси азиз бўлса, унга шахватлари хор бўлади”.

“Яхшилик молнинг кўплиги билан эмас, балки яхшилик (*савобли*) амалларинг кўпайиши, ҳилминг каттариши, инсонларга роббинг ибодати билан фахрланишинг (*яъни, улардан ибодатда устун бўлишинг*), агар чиройли иш қилсанг, Аллоҳ таолога ҳамд айтишинг, ёмон иш қилсанг, унга истиғфор айтишингдир. Дунёда фақат икки кишигагина яхшилик бор; бир кишики, гуноҳ қилганда изидан тавба қилади, яна бир кишики, яхшиликларга шошилади”.

“Ким ўзини тухмат (*гумон*) ўрнига қўйса, у ҳақда ёмон гумон қилган кишини айбламасин”.

“Тафаккурдек илм йўқ, камтарликдек насаб йўқ, маслаҳатдан ишончли (*фойдани*) зоҳир қилувчи йўқ”.

“Ким ўзи ва Аллоҳ таоло ўртасини ислоҳ қилса, Аллоҳ таоло у ва инсонлар ўртасини ислоҳ қилади. Ким ўзига ваъз насиҳат қилувчи бўлса, у учун Аллоҳ таолодан ҳофиз (*сақловчи-ҳимоячи*) бўлади”.

“Ўз фикри билан беҳожат бўлган (*яъни, бошқаларнинг фикрини эътиборга олмаган*) киши ўзини хатарга рўпара қилибди”.

“Агар бир ишни қилишни ўйласанг, унга аста секинлик билан кириш, чунки у ёмонлик бўлса, ундан сақланасан. Бу унга тушиб қолишингдан яхшироқдир”.

“Бир шахар иккинчи шахардан ҳақли эмас, шахарларнинг ҳақлиси сени кўтариб турганидир”.

“Оч қолганда олийжаноб кишининг, тўйганда пасткашнинг ҳамласидан эҳтиёт бўлинглар”.

“Ҳар бир киши учун ўз молида иккита шерик бор: ворис ва ходисалар”.

“Сизлар учун икки нарсадан кўрқаман; ҳавога эргашиш ва узун орзу. Чунки ҳавога эргашиш ҳақдан тўсади, орзунинг узун охиратни унуттиради”.

“Эй инсонлар, гапирсанглар эшитадиган, яширсанглар биладиган Аллоҳ таолодан кўрқинглар. Қочсанглар етадиган, турсанглар тутадиган ўлимга (*тайёргарликка*) шошилинглар”.

“Ким жаннатга муштоқ бўлса, шахватларни унутади, ким дўзахдан кўрқса, ҳаромлардан тийилади. Ким дунёдан зухд қилса, мусибатларни енгил санайди. Ким ўлимни кўз ўнгида тутса, яхшиликларга шошилади”.

“Изидан дўзах келадиган яхшилик яхшилик эмас, изидан жаннат келадиган ёмонлик ёмонлик эмас”.

“Эй ўғлим, энг катта бойлик ақлдир, энг катта фақирлик аҳмоқликдир, энг ёмон ваҳшат такаббуриликдир, энг улуғ фазилят ҳусни хулқдир”.

“Эй ўғлим, каззоб билан дўстлашишдан сақлан, чунки у сенга узоқни яқин, яқинни эса узоқ қилади. Аҳмоқ билан дўстлашишдан сақлан, чунки у сенга фойда етказаман деб зарар етказиб қўяди. Бахил билан дўстлашишдан сақлан, чунки унга энг муҳтож бўлган пайтингда у сени қуруқ қўл билан қайтаради. Фожир билан дўстлашишдан сақлан, чунки у сени арзимас чақаларга сотиб юборади”.

“Одамлар уч хил бўлади:Биринчиси - раббоний олим. Иккинчиси - нажот топиш мақсадида илм ўрганувчи. Учинчиси - тўғри келган одамга эргашиб кетаверадиган, шамол қаёққа эсса ўша ёққа мойил бўладиган гўл одам”.

“Илм ишлатиш билан зиёда бўлади, бойлик эса камаяди”.

“Илм ўз соҳибини тириклигида тоат-ибодатга, ўлимидан сўнг яхшилик билан тилга олинишга етказди. Мол-дунё сабабли вужудга келиб турган нарсалар мол-дунё йўқолиши билан йўқолиб кетади”.

“Мол-дунёни босиб ётувчилар тириклай ўлган кимсалардир, олимлар эса замон тургунча боқийдирлар, жисмлари маъдум, васфлари дилларда мавжуддир”.

“Юмшоқсўз одам муҳаббатга сазовордир”.

“Кишининг қиймати унинг гўзал амаллари билан ўлчанади”.

“Ҳақиқий шукр - Аллоҳнинг неъматларидан биронтаси ёрдамида Унинг маъсиятига қўл урмасликдир”.

“Харсангларни, тошларни кўтардим, бироқ, қарздан кўра оғирроқ нарсани топмадим”.

“Аллоҳнинг шундай бандалари борки ботилни тарк этиб, уни ўлдирадилар. Ҳакни зикр этиб, уни тургизадилар. Рағбатлантирилдилар, рағбат қилдилар. Қўрқитилдилар, қўрқдилар. Хавфда бўлдилар. Хотиржам бўлмадилар. Қўрқув уларни мухлисга айлантирди. Ўзлари учун бобий қолажак нарса сабаб фонийни тарк этардилар”.

“Илмсиз ибодатда, фахмсиз илмда, тадабурсиз қироатда яхшилик йўқ”.

“Мендан беш нарсани ёд олинглар. Агар сизлар туяларни миниб буларни изласанглар топишларингдан олдин туяларни холдан тойдириб, нимжон килиб бўласизлар: Банда фақат роббисидангина умид қилсин. Банда факао гунохидан кўрксин. Жохил билмаганидан сўрамоқдан уёлмасин. Олим билмаганидан сўралса “Аллох билгувчирок” демокдан ор қилмасин”.

“Сабр иймондан бошнинг жасадаги ўрнидадир. Сабри йўқ кишининг иймони йўқ”.

“Илм олимга ҳаётида тоат, ўлгандан сўнг чиройли хотира- сўз касб этади”.

“Молнинг ёмони ундан сарф қилинмайдигани, дўстларнинг ёмони ёрдамни тарк этувчиси, ҳокимларнинг ёмони айбсиз киши ундан кўрқувчиси, диёрларнинг ёмони хосилдорлик ва хотиржамлик бўлмаган юрт”.

“Дунёда фақат икки кишининг биригагина яхшилик бор. Бири гунохо килиб кўйганда, дархор тавба билан унинг тадорукини қилган. Иккинчиси яхшилик ишларда тезлашиб, шошилиб килиб юрган кишидир. Тақво билан бўлаётган амал кам бўлмайди. Қабул бўлаётган амал нечук кам бўлсин”.

*Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анхунинг ҳикматли сўзлари:*

“Биз дунёнинг султонини хоҳламаймиз. Биз дунё учун амал қилмаймиз. Биз ҳаммамиз Аллоҳнинг йўлидаги биродарларимиз”.

“Огоҳ бўлинглар! Кўпгина кийимини оқ қилувчилар динини қора қилувчилардир. Огоҳ бўлинглар! Кўпгина ўз нафсини икром қиламан деганлар, уни хор қилурлар”.

“Эски ёмонликларни янги яхшиликлар билан кетказинглар. Агар бирортангиз ўзи билан осмон орасича ёмонлик қилсаю кейин яхшилик қилса, ўша яхшилиги ёмонлигининг устидан чиқиб, уни енгади”.

“Эй одамлар! Бир-бирингизга насихат қилинглар. Амирларингизга насихат қилинглар. Уларни алдаманглар. Дунё сизни ҳалок қилмасин”.

“Аллоҳ таоло бани одамга ўлимни ёзгандир. Улар ўларлар. Уларнинг энг фаросатлиси ўз Роббисига итоаткорроқ бўлгани ва қайтар куни учун кўпроқ амал қилганидир”.

*Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Ким бир фахш сўз ёки амални эшитиб, уни тарқатса, у худди ўша ишни қилган кишидек бўлади”.

*Аббос розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Сенга икки иш иштибоҳли бўлса (*яъни, аралашиб қолса*), сенга севикли бўлганини қўйгинда, ўзингга қийинроғини ол”.

*Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Кечанинг бир қисмида илм музокараси билан машғул бўлиш менга кечани бутунлай бедор ўтказишдан маҳбуброқдир”.

“Илм олишда қийналдим, бир оз хорландим, тилагим ҳосил бўлгач, азизу мукаррам бўлдим”.

“Агар илм эгалари уни ҳаққи илм олганларида ва унинг учун лозим бўлган нарсани қилганларида, албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари ва аҳли солиҳлар уларга муҳаббат қилган бўлар эди. Одамлар уларни эҳтиром қилар эди. Лекин улар илм ила дунёни талаб қилдилар. Бас, Аллоҳ уларга ғазаб қилди ва одамлар олдида хор бўлдилар.”

“Тафаккур билан ва бажонидил ўқилган икки ракат намоз бутун тун бўйи истаристамас ўқилган намоздан хайрлироқдир”.

“Инсон фақат Аллоҳнинг фазли билангина кўз ёш чиқаради. Фаришта киши қалбини силамагунича унинг кўзидан ёш чиқмайди”.

“Холис тавба – тил билан айтиб, дил билан пушаймон бўлиш. Агар тил билан тавба қилиб, дилида гуноҳ қилишга мойил бўлса, Аллоҳ таолони масхара қилгандек бўлади”.

“Яхши нарса ҳақида тафаккур этиш унга амал қилишга ундайди, ёмон нарса ҳақида ўйлаш уни тарк этишга ундайди”.

“Ҳалол касб қилиш тоғни кўчиришдан оғирдир”.

“Илмга сўровчи тил ва ақлли қалб билан етилади”.

“Фақиҳ билан ҳам сафиҳ (*аҳмоқ*) билан ҳам тортишма. Чунки фақиҳ сени енгади, аҳмоқ эса сенга журъат қилади (*обрўйингни тўкади*)”.

“Зухд сўзи уч ҳарфдир; “зе” – зодул маод (*охират озиғи*), “ҳо” – тақводорларга ҳидоят ва “дол” – давомийлик (*ибодатда*)”.

“Токи ўрни келмагунича, фойдасиз гапни гапирма. Гоҳида ўринсиз ҳақ гапни айтувчи киши айбланади. Аҳмоқ билан ҳам, ҳалим киши билан ҳам тортишма, чунки аҳмоқ сенга зарар беради, ҳалим сендан ғазабланади”.

“Эй гуноҳга қўл урувчи! Сен унинг ёмон оқибатларидан ҳаргиз омонда эмассан! Гуноҳ қилатуриб, ўнгу сўлингдаги кишилардан ҳаё қилмаслигинг қилган гуноҳингдан ҳам каттароқдир. Аллоҳ ўша гуноҳингни нима қилишини кечирадими ё йўқми билмай туриб қилишинг гуноҳдан ҳам каттадир. Бир гуноҳни қилиш имкониятини қўлга киритганинг учун хурсанд бўлишинг қилинган гуноҳдан ҳам каттароқдир. Бир гуноҳни қила олмаганингдан қайғуришинг ўша гуноҳни қилгандан ҳам каттароқдир. Гуноҳ қилар экансан, эшик пардасини қимирлатган шамолдан хавфсирашинг, бироқ Аллоҳ кўриб турганидан юрагинг қалтирамаслиги ўша қилган гуноҳингдан ҳам каттароқдир”.

“Яхшиликни билмайдиган кимсанинг нонкўрлиги сени яхшилик қилишдан асло тўсмасин. Зеро сен ҳали яхшилик қилмаган кишилар орасида яхшиликни биладиганлар бор”.

“Истаган таомингни е, хоҳлаган кийимингни кий, икки нарсдан ҳаргиз кутулмайсан - исроф ва кибр”.

“Икки нарса бирга жам бўлмайди: Каноат ва хасад. Икки нарса бир-бирдан ажралмайди: Очкўзлик ва юзсизлик”.

“Сухбатдошимнинг менда учта ҳаққи бор: Юзланганда кўзимни унга қаратмогим, ўтирганда унга жойни бемалол қилмогим, гапирганда унга кулок тутиб турмоғи”.

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Агар бирор киши хуфтон ва бомдод намозларида жамоатга чиқмаса, уни мунофиқ, деб гумон қилардик”.

“Эртаю кеч Аллоҳнинг зикрини қилиш Аллоҳнинг йўлида қилич синдиришдан, ҳовучлаб мол беришдан ҳам афзалдир”.

“Кимки бошини тўшакка қўйганида Аллоҳни зикр қилса, кейин шу ҳолатда ухлаб қолса, то уйғонгунча у зикр қилувчи, деб ёзилади”.

“Бир бандага дунё молдан нима етса, сахий бўлса ҳам, Аллоҳ наздидаги даражаси пасаяди”.

“Банданинг вужудида покиза тугилиши лозим бўлган энг муҳим аъзо тилдир”.

“Илм уч нарсадир: нотик китоб, ўтувчи суннат ва “билмайман” дейиш”.

“Мен ўзим билан ҳаром нарсалар ўртасида аслида ҳалол нарсалардан иборат бир парда қўйиб, уни ҳеч қачон бузмасликни хоҳлар эдим”.

“Яхшилик қилиш жуда осон - очиқ юзли ва ширин сўзли бўлиш”.

*Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Илмни фурсат бўлганда ўрганавериш керак. Чунки, илм зарур бўлган пайтда фурсат топилмайди”.

“Олим бўл ёки таълим олувчи бўл! Иккисининг орасида бўлма! Чунки иккисининг орасида жоҳил ёки жаҳолат бор. Агар уни қила олмасанг, олимларга муҳаббат қил. Уларни ёмон кўрма!”.

“Талаби илмдаги кишининг ишидан рози бўлгани учун малоикалар унинг оёғи остига қанотларини ёзиб турурлар”.

“Эй аҳли илм эгалари! Илм булоқлари, хидоят юлдузлари, уйларни лозим тутувчилар, туннинг чироқлари, қалбларнинг янгиловчилари ва кийими эскилари бўлинглар. Ўшанда осмонда таниласизлар, ер аҳлига махфий қоласизлар”.

“Туноҳ қилиш илмнинг баракасини йўқотади, уни унутишга олиб келади”.

“Илм кўп ривоят қилиш билан эмас, кўп тақво қилиш билан бўлади”.

“Ҳақиқий тақво – Аллоҳга итоат қилиб, исён этмаслик, Уни эслаш ва унутмаслик, Унга доимо шукр қилиб, куфрга кетмасликдир”.

“Ҳеч ким олим бўлиб туғилмайди. Илм ўрганиш, таълим олиш билан эгалланади”.

“Ким илм ўрганиб, унга амал қилмаса, илми фақат унинг кибрини зиёда қилади”.

“Аллоҳ таоло Исломдан насиба олган кишини Исломдан бенасиб киши каби қилиб қўймайди”.

“Банда иймон чўққисига чиқмагунча, унинг ҳақиқатига етишолмайди. Камбағалликни бойликдан, пасайишни юксалишдан афзал кўрмагунча ва уни мақтаган ҳамда ёмонлаган кишиларни бир хилда кўрмагунча иймон чўққисига чиқа олмайди”.

“Суннатдаги эҳтиёткорлик бидъатдаги ижтиҳоддан афзалдир”.

“Бир миллатда ишончли кишилар озайса, динини сотиб, дунё йиғувчилар кўпайса, у миллат орасида фитна болалайди”.

“Ҳақ оғирдир, бироқ томоқдан осон ўтади. Ботил енгилдир, аммо касаллик келтириб чиқаради”.

“Неча-неча инсоний орзу-истаклар борки, уларга эргашилса. Узоқ вақт давом этгучи хафагарчилик билан ниҳоя топади”.

“Тилдан кўра бошқа бирон нарса тутқунликда ушлаб туришга ҳақли эмас. Унинг мисоли йиртқич ҳайвонга ўхшайди, маҳкам тутмасанг, ўзингга душманлик қилади”.

“Нажот икки нарсада – тақво билан ниятдадир. Ҳалокат ҳам икки нарсада – умидсизлик ва мағрурланишдадир”.

“Илмда Аллоҳга тақво кифоядир. Жаҳолатда Аллоҳнинг мулкида Унга қарши ғурурланмоқ кифоядир”.

“Ким золимнинг зулмига ёрдам берса ёки бирон мусулмоннинг ҳаққини поймол қиладиган ҳужжатни унга ўргатиб қўйса, Аллоҳнинг ғазабига йўлиқади ва бу ишнинг гуноҳи униг устидадир”.

“Ким эртага Аллоҳ таолога мусулмон ҳолида рўбарў бўлишидан хурсанд бўлса, намозларни азон айтилган жойда адо қилсин. Аллоҳ Пайғамбарингиз соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали ҳидоят суннатларини шариатга киритгандир. Албатта, жамоат намози ҳидоят суннатларидандир. Агар сиз уйингизда намоз ўқисангиз, Пайғамбарингиз суннатини тарк қилган бўласиз. Агар Пайғамбарингизнинг суннатини тарк қилсангиз, залолатга кетган бўласиз. Бизнинг ичимизда фақат нифоқи очик-ойдин бўлган мунофиқгина жамоат намозидан қолишини кўрганман”.

“Қуръон ёдлаган қори кечаси одамлар ухлаганда бедорлиги билан, кундузи одамлар овқатланганда оч-наҳорлиги билан, одамлар қувонганда маҳзунлиги билан, одамлар кулганда йиғиси билан, одамлар вайсаганда сукути билан, одамлар гердайганда хушўси билан танилиши керак. Қуръон ёдлаган қори йиғлоқиЮ маҳзун, ҳикматли, ҳалим, олим ва сукут сақловчи бўлиш керак. Қуръон ёдлаган қори жафокаш, ғофил, бакироқ бўлмаслиги керак”.

“Агар илм аҳллари илмни авайлаганларида ва уни ўз аҳли хузурига қўйганларида, ўз замонларидаги одамлар устидан саййид бўлар эдилар. Аммо улар илмни дунё аҳли хузурига қўйдилар. Уларнинг дунёсидан умидвор бўлиб, шундоқ қилдилар. Бас, уларнинг хузурига хор бўлдилар”.

“Агар бирингиз ўзи билмаган нарсадан сўралса, “Билмайман”, деб айтсин. Шунинг ўзи илмнинг учдан биридир”.

“Ким одамлар ундан сўраган барча нарсага фатво берса, у мажнундир”.

“Сизлар Қуръонни лозим тутинглар! Албатта, у Аллоҳнинг зиёфатидир. Ким Аллоҳнинг зиёфатидан олишга қодир бўлса, олсин. Албатта, илм таълим олиш ила бўлур”.

“Аллоҳ таоло бандаларининг қалбларига назар солиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ихтиёр қилди ва у зотни Ўз рисоласи ила юбориб, Ўз илми ила танлаб олди. Сўнгра, узотдан кейинги одамларнинг қалбларига назар солди ва у зотга саҳобаларни танлаб олди. Бас, уларни Ўз динининг ёрдамчилари ва набийсининг вазирлари қилди”.

“Албатта, инсон султоннинг олдига дини билан киради, чиққанида эса дини бўлмайди”, дедилар. “Бу қандай бўлади?”, деб сўрашди. У зот: “Аллоҳ таоло ғазаб қиладиган нарса билан султонни рози қилади”

“Инсонлар қулоқлари билан эшитаётган, кўзлари билан қараб тураётган муддатча уларга гапир. Агар уларда бир малолни кўрсанг, ўзингни тий”.

“Уйинг сени сиғдирсин (*яъни, уйингда туриб кўп ва хўп ибодат қила олгин*), тилингни сақла ва хатоларингга йиғла”.

“Ҳеч бир кимса, йўқки, тонгга етганида ўзи меҳмон, моли орият (*қайтариладиган нарса*) бўлмаса. Шундай экан меҳмон кўчувчи, орият қайтарилувчидир”.

“Дунёнинг сафоси (*поклиги*) кетди, лойқаси қолди. Шундай экан ўлим ҳар бир муслим учун тухфадир”.

“Хоҳ бир художўй, ҳақгўй нафс бўлсин, хоҳ гуноҳкор, фожир нафс бўлсин, ўлим унга яхшидир”.

“Қуёши ботган кунга пушаймон қилганимдек, бошқа бирор нарсага пушаймон қилмаганман. У шундай кунки, унда ажалим келмайди, лекин амалим кўпаймайди”.

“Қайсиларингиз бир дирҳамни соғлигида ва бахиллигида инфоқ-эхсон қилса, ўлим вақтида юз дирҳамни инфоқ этишни васият қилишдан яхшидир”.

“Бойлигинг қуртларга ем бўлмасин ёкиқароқчилар қўлига тушмасин, десанг, садақа қил”.

“Яхши одам бўлиш учун ибодат қилишнинг ўзи кифоя эмас, балки яхши қалбли, ёмонларни ёмон кўрувчи бўлиш керак”.

“Кишининг маломтга лойиқ энг ёмон сифати рашкчи бўлмаганидир”.

“Ҳақни сўзланг, ҳақгўйлик билан таниласиз. Ҳаққа амал қилинг, ҳақиқат аҳлидан бўласиз”.

“Одамларни мақташга ҳам, айблашга ҳам шошилмангиз! Зеро, бугун бир биродарингизнинг мақтовли ишига кўзингиз тушса, эҳтимолки эртага унинг бирон айбли ишига кўзингиз тушар. Бугун унинг бирон айбли ишига кўзингиз тушган бўлса, эҳтимолки эртага мақтовли ишига кўзингиз тушар”.

“Албатта, мен ўрганган илмини унутган кишининг бу унутиш сабаби, шубҳасиз, қилган гуноҳи туфайлидир деб ҳисоблайман”.

“Пушаймоннинг энг ёмони киёмат кунидаги пушаймон, залолатнинг энг ёмони хидоятдан сўнгги залолат, бойликнинг энг яхшиси кўзи тўклик, зоднинг (*йўлга олинадиган озик-овкат*) энг яхшиси тақво, дилга жойланган нарсанинг энг яхшиси аниқ ишончдир”.

“Ким динини ҳурмат қилишни истаса, подшоҳга алоқа боғламасин, аёллар билан хилватда бирга бўлмасин, ҳавои нафс эгалари билан мунозара қилмасин”.

“Илм ўрганинглари. Илм олгач амал қилинглари. Илм олиб амал қилмайдиган киши холига вой. Илм ҳақида шундай дейилган: «илмнинг офати, айби ва бадбахтлиги бўлади. Офати нисёндир, камчилик-айби ноахллар қошида ёйилиши, бадбахтлиги эса бундаги ёлгондир”.

“Мен кишини на дунё амалида, на охират амалида машғул бўлмасдан, бекорчи холда кўрсам жуда ёмон кўраман”.

*Амр ибн Осс розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Тўрт нарсани ҳеч малол кўрмайман: Мени фахмлаб турган ҳамсухбатимни. Менинг сатримни қилиб турган кийимимни. Мени кўтариб турган кийимимни. Менинг турмушимни яхши қилиб турган хотимни”.

*Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу ва Муовия розияллоҳу анҳунинг ҳикматли савол-жавоблари:*

- “Балоғат недир?”
- “Ким ортиқча гапни тарк қилиб, қисқаси ила кифояланса”
- “Одамлар ичида сабрлиси ким?”
- “Кимнинг фикрида ҳавои нафсига раддия бўлса”
- “Одамларнинг саҳийси ким?”
- “Дунёсини диннинг фойдаси учун сарф қилган”
- “Одамларнинг шижоатлиси ким?”
- “Жаҳлини ҳилми ила қайтаргани?”

“Эй ўғлим, одил султон барақали ёмғирдан яхшидир. Жиловланган шер золим султондан яхшидир. Бешафқат, золим султон фитнаи бардавомдан яхшидир”.

“Эй Аллоҳ таоло! Менга буюрдинг, мен исён қилдим, менга омонат топширдиг, мен хиёнат қилдим, менга чегара белгиладиг, мен ундан ўтиб кетдим. Эй Аллоҳ таоло! Айбсиз эмасманки, узр айтсам, қувват йўқки ёрдам олсам. Балки гуноҳкор ва истиғфор айтувчи, доимий қилмайдиган ва кибр қилмайдиганман”.

“Бир кишига сирни омонат кўйиб, фош қилган бўлса, уни маломат қилиб юрмадим. Чунки сирни унга омонат кўяётганимда менинг қалбим униқидан торроқ бўлган эди”.

*Муовия ибн Абу Суфён розияллоху анхунинг ҳикматли сўзлари:*

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам маъсум эдилар. У зот мени волий этдилар. Ўзлари мени ишга солдилар. Сўнгра Абу Бақр халифа бўлди. У ҳам мени волий қилди. Сўнгра Умар халифа бўлди. У ҳам мени волий қилди. Сўнгра Усмон халифа бўлди. У ҳам мени волий қилди. Улардан ҳар бири фақат мендан рози бўлганлиги учунгина волий қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам мўминлардан фақатгина мукофотга аҳл бўлганларга иш берар эдилар. Албатта, Аллоҳ тутишга ва ўч олишга соҳиб Зотдир. Албатта, Аллоҳ сизларни синамасдан ва сирингизни фош қилмасдан тарк қилмайдир!”

“Одамларни ўз ишингизга тама қилдирманг. Аллоҳга қасамки, агар тама қилиб қолсалар, унда ишнинг орқага кетишидан бошқани кўрмай қоласизлар”.

“Кимки илмини ёзмаса, унинг илмини илм ҳисобламайман”.

“Эй инсон, замон сендан. Сен яхши бўлсанг, замон ҳам яхши бўлади. Агар айнисанг, замон ҳам айнийди”.

“Ҳаммани рози қилишим мумкин, фақат неъматга ҳасад қилгувчини рози қила олмайман. Чунки уни фақатгина неъматнинг кетиши рози қилади”.

“Эй ўғилгинам, ҳасаддан сақлангин. Чунки у душманинга етмасдан, сенинг ўзингга билинади”.

“Ҳасад қилувчи бўлма, шунда Аллоҳнинг ҳикматларини тез илғайсан”.

“Учта нарса ҳур (*мард*) кишида жам бўлмайди. Одамлар билан фахр талашиш, одамларни ғийбат қилиш, дўстларга малол келтириш”.

“Хукмдорлар билан гаплашганда эҳтиёт бўл, зеро султоннинг ғазаби ёш боланинг ғазабидек тез, ҳамласи шернинг ҳамласидек кучли”.

“Олийжаноблик - ғазаб пайтидаги ҳалимлик ва қодир бўлатуриб кечириб юборишлиқдир”.

“Кишиларнинг энг холи аянчлиси кўп маърифатга эга, олийҳимматли бироқ кудрати оз кишидир”.

“Уламолар билан ўтирсанг гапиришдан кўра тинглашга харисроқ бўл”.

“Менга Аллоҳдан бошқа ёрдамчи тополмаган инсонга зулм қилишдан ҳаё қиламан”.

*Муоз ибн Жабал розияллоху анхунинг ҳикматли сўзлари:*

“Аллоҳ илм билан қавмларни юксалтириб, етакчи қилиб қўяди. Улар одамларни яхшиликка етаклайди, бошқалар уларнинг изидан юради, қилган ишлари эътиборли бўлади”.

“Илм ўрганинлар, зеро, уни ўрганиш – Аллоҳдан қўрқиш, уни талаб қилиш – ибодат, музокараси – тасбеҳ, уни излаш – жиход, билмаганга ўргатиш – садақа, уни ўз аҳлига билдириш – Аллоҳга қурбатдир”.

“Илм - танҳоликда ҳамроҳ, хилватда дўст, тўғри йўл кўрсатувчи далил, хурсандлиг-у хафалик пайтда кўмакчи, дўстлар олдида вазир, бнгоналар олдида яқин дўст ва жаннат йўлининг минорасидир”.

“Намозингни ҳаёт билан видолашаётган киши каби ўқи! Яна бир бор ўқий олишингни ўйлама. Шуни билгинки, мўмин киши бири бажарилган ва бири ортда қолган икки яхшилик ўртасида ўлади”.

“Жаннат аҳли дунёда Аллоҳни зикр қилмай ўтказган бир соатига шу қадар ачинадиларки, бошқа бирон нарсага шунчалик афсусланишларини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди”

“Дунёдаги улушинг сени албатта қидириб топади. Сен ундан кўра охиратдаги улушингга муҳтожроқсан. Бинобарин, сен охиратдаги улушингни танла!”.

“Ризқинг учун ҳаракат қил, аммо ризқ топаман, деб тўғрилиқдан айрилма ва мусулмон ҳолда ўлишга интил. Мазлумнинг дуоибадидан сақлан”.

“Очлик ва қийинчилик фитнаси билан имтиҳон қилиндингиз, сабр этдингиз. Мўл-кўлчилик фитнаси билан ҳам синаласизлар. Мен сизларнинг аёллар фитнасига учрашингиздан кўпроқ хавотирдаман”.



*Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

**“Ким катта гуноҳ қилувчилардан бўлмаса, шафоатга муҳтож бўлмайди”.**

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

**“Киши тилини тиймагунича Аллоҳга ҳақиқий тақво қила олмайди”.**

**“Бадбахтлик тўрттадир: кўзнинг қуруқлиги, қалбнинг қаттиқлиги, орзу-ҳаваснинг узунлиги, дунёга хирс қўйишлиги”.**

**“Меҳмон кирмаган уйга фаришталар ҳам кирмайди”.**

*Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

**“Эй инсонлар, азалдан бор бўлган, охири кўринмайдиган катта бир хирс-эхтирос сизларни ўлдирмасин”.**

**“Қабрнинг даҳшати ва у ердаги ёлғизликни ўйлаб, кечанинг тим қоронғисида туриб намоз ўқинг. Қиёмат кунининг машаққатларини ўйлаб, доимо фойдали гапларни айтинг”.**

**“Кунингизни иккига бўлиб, бир қисмини охиратга тайёргарлик ишлари, қолганини ҳалол ризқ-насиба топиш билан ўтказинг. Учинчи бўлимнинг эса сизга фойдаси йўқ, зарари бор.**

**“Молингизни ҳам иккига бўлинг. Бир қисмини аҳли оилангизга сарфлаб, қолганини охиратингиз учун озиқа қилинг. Учинчи қисмининг эса сизга фойдаси эмас, зарари борлиги учун унга эҳтиёжингиз йўқдир”.**

**“Аллоҳ таолога ҳамд бўлсинки, бизни ёмонликлари мағфират қилинадиган ва улардан бошқаларнинг яхшиликлари қабул қилинмайдиган уммат қилиб қўйди”.**

**“Яхши дўст ёлғизликдан яхшидир. Ёлғизлик ёмон шерикдан яхшидир. Яхшиликни гапирувчи жим турувчидан яхшидир. Ёмонликни ташувчидан сукут қилувчи яхшидир. Омонатдорлик хотима (*ўлим*)дан яхшидир, хотима дунёдан яхшидир”.**

**“Қанча дўстингиз бор”, у зот дедилар: “Ҳозир билмайман, чунки бугун дунёда иқболим келиб турибди, ҳамма менинг дўстим. Бу нарсани дунё мендан юз ўгирганда билишим мумкин. Дўстнинг яхшиси, дунё мендан юз ўгирганда менга иқбол қилувчисидир”.**

**“Эй инсонлар, мен сизларга самимийман ва сизларга шафиқ (раҳмдил)ман. Кеча зулматида намоз ўқинг, қабрдаги ёлғизлик ва қиёмат кунининг иссиғи сабабли дунёда рўза тутинглар. Қийин кундан қўрқиб садақа қилинглар. Эй инсонлар, мен сизларга самимийман ва шафиқман”.**

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

**“Бу умматга уч нарсадан зарарлироқ нарса йўқдир: пулни яхши кўрмоқ, бошлиқ бўлишга интилиш ва султонлар эшигига қатнаш. Батаҳқиқ, Аллоҳ таоло улардан чиқиш йўлини ҳам кўрсатиб қўйган”.**

**“Илмни тарк қилганинг уни зоеъ қилишингга етади (*яъни уни зоеъ қилганингдир*)”.**

*Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

**“Ҳар бир нарсанинг чегараси бўлади. Исломнинг чегаралари қуйидагилар: тақво, камтарлик, сабр, шукр. Тақво – ишларнинг асоси, камтарлик – кибрдан узоқ бўлиш, сабр – дўзахдан нажот топиш, шукр – жаннат билан мукофотланишдир”.**

*Абу Дардо розияллоху анхунинг ҳикматли сўзлари:*

“Сен олим, ё ўрганувчи ёки унга қулоқ тутувчи бўл. Лекин тўртинчиси бўлмагинки, ҳалокатга юз тутасан”.

“Ким илм ўрганишга чиқиш жиҳод эмас, деса, унинг ақли ва фикрида ноқислик бор экан”.

“Мўминнинг танасида тилчалик Аллоҳ севган парча эт йўқдир. Аллоҳ мўминни тили туфайли жаннатга киритади. Кофирнинг фужудида тилчалик Аллоҳга ёқимсиз парча эт йўқдир. Аллоҳ таоло кофирни тили туфайли дўзахга ташлайди”.

“Бой биродарларимизга адолат қилмадик. Улар ейдилар, биз ҳам еймиз. Улар ичадилар, биз ҳам ичамиз. Улар қийналадилар, биз ҳам қийналамиз. Уларнинг кўп моллари бор, унга қарашади, биз ҳам улар билан бирга у молларга қараймиз. Улар ҳисоб беришади, аммо биз ҳисоб беришдан озодмиз”.

“Одамлар камбағалликни ёмон кўрадилар, мен яхши кўраман. Улар ўлимни ёмон кўрадилар, мен яхши кўраман. Фқирликни Роббимга тавозели ва ўлимни Роббимга муштоқ бўлганим учун яхши кўраман”.

“Банда ўлимни қанча кўп зикр қилса, унинг хурсандлиги ва ҳасади шунча кам бўлади”.

“Яхшилик қилганингизда Аллоҳга ҳамд айтинг, мабодо бирор гуноҳ иш содир этиб кўйсангиз, албатта Аллоҳдан мағфират сўранг”.

“Яхшилик чиримайди ва ёмонлик унутилмайди”.

“Яхшиларни севиб, сиз ҳақингизда ҳақ бир гап айтилганида қабул қилар экансиз, хайр-баракот ичидасиз”.

“Яхшилик мол ва фарзандларнинг кўплигида эмас. Яхшилик кенг феълли, ахлоқли бўлиш, илм олиш ва Аллоҳга ибодат қилишда бошқаларга ибрат бўлишдадир”.

“Эй, сен! Бизнинг ҳақоратимизга ғарқ бўлма. Сулҳга ҳам жой қолдиргин. Чунки биз, биз сабабли Аллоҳ таолога осий бўлган кишига, у тўғрисида Аллоҳ таолога итоат қилишдан ортиқ нарса билан тенг бўлмаймиз”

“Жоҳилнинг аломати учтадир; ужб (*ўзини севиши, ўзидан ажабланиши*), фойдасиз нарсаларни кўп гапириши, ўзи қиладиган ишдан бошқаларни қайтариши”.

“Кишининг уйи унинг учун қандай ҳам яхши ибодатхона! Унинг қулоғи, кўзи, дини ва обрўсини (*ҳаромдан ва офатдан*) сақлайди. Сизлар бозорларда бефойда ўтиришдан сақланинглар, чунки у лағв (*ботил*) ва лаҳв (*бекор*) ишдир”.

“Икки қулоғинг ва оғзингга бўлган муносабатда эҳтиёт инсоф қил. Гапирмоғингдан кўра тингламоғинг кўп бўлиши лозимлиги учун ҳам сенга қулоқни иккита, оғизни эса битта килиб берилди”.

“Эй, инсонлар, урушга киришингиздан олдин амали солих бўлсин. Сизлар амалларингиз билангина жанг қила олурсиз”.

*Абу Жухайфа розияллоху анхунинг ҳикматли сўзлари:*

“Улуғлар билан ўтир, уламолар билан бирга юр, ҳукамолар билан дўст бўл”.

*Ҳузайфа ибн Ямон розияллоху анхунинг ҳикматли сўзлари:*

“Бугун мунофиқлар Пайғамбар замонидагидан кўпроқдир. Бурунчилар нифоқларини ичида сақлашарди. Бугунчилар очикдан-очик нифоқ қилишади. Яширин нифоқ иймоннинг самимийлиги ва камолига тўсқинлик қилади. Мунофиқлардан кўрққан одам ундан узоқда бўлади. Ўзининг нифоқдан узоқдалигини айтиб юрувчи кимса эса мунофиқликка яқин туради”.

“Уч киши одамларга фатво беради: Қуръоннинг носих ва мансухини билган киши, фатво беришдан ўзга чораси қолмаган амир ва керагидан ортиқча юкни ўзиг ортиб олган аҳмоқ”.

“Ихлос инсоннинг зоҳири ҳам, ботини ҳам бир хил бўлганидир”.

*Абу Умома ал-Боҳилий розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Эй инсонлар! Бугун сиз яхшилик ва ёмонликлар ажратиб олинаётган ҳаёт уйда яшамоқдасизлар. Ва жуда яқин бир кунда бошқа уйга – қабрга кўчиб ўтишга мажбурсиз. Бу қабр – ёлғизлик, қоронғулик уйдир, сиқилиш ва танглик-қийинчилик уйдир”.

*Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Қайтиб келмас бўлиб видолашаётган кишидек намоз ўқи”.

“Одамларнинг қўлларидаги нарсалардан беҳожат бўл, бойлик аслида шудир”.

“Тамағирлик ва ҳожатталаблиқдан сақлан, айни фақирлик шудир”.

*Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Тақво аҳлининг аломатлари борки, улар шу билан таниладилар ва ўзларини шу билан танийдилар. Ким балога сабр қилса, қазага рози бўлса, неъматларга шукр қилса ва Қуръон ҳукмига бўйсинса ўша киши тақво аҳлидандир”.

“Раҳбар бозорга ўхшайди, бозорда ниманинг савдоси чаққон бўлса, ўша нарсани олиб келинади. Агар раҳбарнинг олдида ҳақ савдоси чаққон бўлса, унга ҳақни олиб келинади ва хузурига ҳақ аҳллари келади. Агар унинг олдида ботилнинг савдоси чаққон бўлса, хузурига ботил аҳли йиғилади ва ботил ривожланади”.

*Адий ибн Ҳотам Тоший розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Саййид (*олийжаноб, улуг инсон*) – у ўз нафсида хўр (*яъни, ўзини паст тутувчи*), молида (*яъни, молни сарфлашда*) аҳмоқ саналадиган, гина-қудратни ташлаб юборувчи ва омманинг (*фойдаси*) ишини қасд қилувчидир”.

*Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Эй ўғлим! Сен то ўзингга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини ва ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан”.

*Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Қуръонни кўтарувчи (*ёд олувчи*)лар уч хил бўлади. Бири, уни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга олиб юриладиган мол қилиб олади, одамларнинг хузурдаги нарсани талаб қилади. Бири, унинг харфларини ёд олади-ю, чегараларини зое қилади, у билан инсонларга устунлик қилади, у билан волийларнинг меҳрини жалб қилади. Яна бири, ундаги нарсани билади ва ёд олади. Унга даъват қилувчи ва обид бўлиб амал қилади. Мана шу кўтарувчиларнинг яхшисидир”.

“Нима учун таҳажжуд намози ўқувчилар инсонлар ичида энг юзи чиройли кишилар бўлади?”, дейилганида у зот: “Чунки улар Аллоҳ таоло билан холий қолдилар ва Аллоҳ таоло уларга ўз нуридан бир нур кийдирди”

“Модомики инсонларнинг қўлидаги нарсалар устидан тортишмасанг доимо инсонларга ҳурматли бўласан. Агар уларнинг қўлидаги нарса учун тортишсанг, улар сени паст санайдилар, сўзингни ёмон кўрадилар ва сенга ғазаб қилдилар”.

“Севган нарсаларингга фақат ҳавои нафсларинг хоҳлаган нарсаларни тарк этиб, орзу қилган нарсаларингга эса, фақат хуш кўрмаган нарсаларингга сабр қилиб етасизлар”.

“Эй Одам боласи, оқ сочинг сенга насиҳат қилади, касаллигинг сени огоҳлантиради, сенга насиҳат қиладиганга қулоқ сол, огоҳлантирадигандан эҳтиёт бўл”.

“Эй одам боласи, сен фақат бир санок (*адад*)сан. Агар бир кун ўтса, баъзи қисминг кетади”.

“Мўмин қабрида дунёда қилган амалини ёстиқ қилади, агар яхши бўлса, яхшилиқни, ёмон бўлса, ёмонлиқни. Муҳлат борлигида (*амалга*) шошилишни ғанимат билинглари, Аллоҳ таоло сизларга раҳм қилсин”

“Зикр икки хил: бири тил билан зикр қилиш, бу ҳам яхши. Бундан ҳам яхшиси – Аллоҳни Унинг буйруқ ва қайтариқлари олдида ёдга олишдир”.

*Хусайн ибн Али розияллоху анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Онам кўз югуртирган нарсага мен аввал кўл югуртириб қўйишим ва унга оқ бўлиб қолишимдан кўрқаман”.

“Сўралмасидан берган – ҳақиқий сахий одам, қасос олишга қодир бўлатуриб, афв этган – ҳақиқий мард одам”.

“Тил – қалбнинг ойнаси, қалб – руҳнинг ойнаси”.

*Салмон Форсий розияллоху анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Ўлим уни излаб юрган ҳолида, дунё орзусида юрган, кузатилиб турган ҳолида ғофил юрган, Роббиси ундан розий ёки ғазабланганини билмасдан туриб кулувчи кишидан ажабланиман”.

*Оиша онамиз розияллоху анҳунинг ҳикматли сўзлари:*

“Никоҳ қулчиликдек бир гап, ҳар бирингиз ўз қаримасини қаерга қулликка бераётганига назар солсин”.

“Агар сенинг эринг бўлса, икки кўзингни чиройлироқ қилиш имконинг бўлса, ўшандоқ қилгин. Ўзингдаги нохуш нарсаларни доимо кетказиб юр. Эринг учун бир ерга борганинга ясанганингдек ясангин. У сенга амр қилса, итоат эт. У сен учун қасам ичса, ўша қасамга биноан иш қил. Унинг уйига у ёқтирмайдиган одамни киритма”.

“Эй аёллар жамоаси! Эрларингизга итоат қилганингиз, болаларингизга хизмат қилганингиз учун Аллоҳ таолонинг хузуридаги нарсаларнинг башоратини қабул қилинг! Сизлар бу дунёда мискин бўлсангиз ҳам у дунёда анбиёларнинг хотинлари билан бирга жаннатга биринчи борганлардан бўласиз. Аллоҳ таоло сизларнинг кабирадан бошқа гуноҳларингизни мағфират қилади”.

“Менга ҳеч бир аёлга берилмаган тўққиз нарса берилган:

- Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга уйланишга амр қилинганларида сувратимни олиб тушиб, у зотга кўрсатган.
- У зот менга бикр ҳолимда уйланганлар. Мендан ўзгага бикр ҳолида уйланмаганлар.
- Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бошлари менинг кучоғимда туриб, вафот этдилар.
- Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам мени уйимда қабга қўйилдилар.
- Фаришталар менинг уйимни ўраб олган эдилар. У зотга мен чойшабларида турганимда ваҳий нозил бўлар эди. У зот мени жасадларидан узоқлаштирмас эдилар.
- Мен у зотнинг халифалари ва сиддиқларининг қизлариман.
- Менинг узрим осмондан нозил бўлган.
- Мен Покнинг хузурида пок яратилганман.
- Менга мағфират ва қарамли ризқ ваъда қилинган”.